

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакесва Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доцент*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Сайнова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доцент,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

23. Berdiyev A.A. BUXORO AMIRLIGINING XVIII- XIX ASRLARDA TASHQI SAVDOSI VA DIPLOMATIK ALOQALARI HAQIDA AYRIM MA'LUMOTLAR.....	198
24. Ботиров Э. МУҒУЛЛАРДАН ТЕМУРИЙЛАРГАЧА: БОЖХОНА ВА БОЖ СОЛИҚЛАРИ ТАРИХИДАН.....	208
25. Валихонова Г. К. РУС САЙЁҲЛАРИ ВА ҲАРБИЙЛАРИНИНГ ШАРҚИЙ ТУРКИСТОНДАГИ ВАЗИЯТГА МУНОСАБАТЛАРИ.....	214
26. Ганиева Ч.Х. МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИДА МАДАНИЙ-ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	220
27. Давлатова Ш. АМИР ТЕМУР ДАВРИ ТАРИХИ ҲАҚИДАГИ МАНБА.....	227
28. Ёдгоров З.Ш. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ.....	233
29. Жахонов Т. ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯ КУШОНЛАР ШАҲАРСОЗЛИГИНИ ЎРГАНИЛИШИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ (XX аср 70-йилларига қадар).....	239
30. Жўраев А. ЁЗМА МАНБАЛАРДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ.....	244
31. Zupunova G. ONALIK MAROSIMI: TOSHKENT TATARLARINING QARASHLARI VA E'TIQODLARI.....	249
32. Инатов М.Н. XX АСР 20-ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	261
33. Кариева Н.А. РОССИЯ ИМПЕРАТОРЛИГИ ЖАМИЯТИ АЪЗОСИ Н.А.СЕВЕРЦОВНИНГ ТУРКИСТОН ҲУДУДИДА ОЛИБ БОРГАН ФАОЛИЯТИ МАСАЛАСИГА ДОИР.....	269

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


34.Канимкулов О.Ш. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХ ҲАМДА АРХЕОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯҲЁ ФУЛОМОВ ХИЗМАТЛАРИ.....	278
35.Камолов Ж.М. ЭФТАЛИТЛАР ДАВРИ ШАҲАРСОЗЛИГИ.....	286
36.Курязова Д. ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АРХЕОЛОГИК ОБЪЕКТЛАР ВА УЛАРНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШ ЙЎЛИ БИЛАН САҚЛАБ ҚОЛИШ МАСАЛАЛАРИ....	292
37.Қурбонов Ф.Н., Шоев И.Х. БУХОРО ДАВЛАТ МУЗЕЙ - КЎРИҚХОНАСИ ЖАМЛАНМАСИДАГИ ИСЛОМДАН ОЛДИНГИ ДАВРГА ОИД ТАНГАЛАР ВА ТАНГА ХАЗИНАЛАРИ (НУМИЗМАТИК ТАҲЛИЛ).....	299
38.Исматова Н.К. ЯНГИЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОНДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР (1989-2020 йиллар).....	307
39.Исматуллаев Ф.О. ЎЗБЕКИСТОН ВА ЛАТВИЯ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	319
40.Кадирова М.Т. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ УСМОНИЙЛАР ИМПЕРИЯСИ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИ.....	329
41.Каромов Ф.Ҳ. ТУРКИСТОНДА ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ.....	334
42.Мажидов Ш.Ф. МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ЭТНОСИЁСИЙ ЖИҲАТЛАРИ: ЕИ ТАЖРИБАСИ (2000-ЙИЛЛАР БОШИ).....	340
43.Мамадаминова Б. ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР.....	345
44.Mattiyev O'.B. TURKISTONDAGI AFG'ON MUHOJIRLARI FAOLIYATINING GENERAL GUBERNATORLIK DAVRI HUUJATLARIDA YORITILISHI.....	353

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Канимкулов Олимжон Шералиевич,
Гулистон давлат университети
"Тарих" кафедраси ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХ ҲАМДА АРХЕОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯХЁ ЁУЛОМОВ ХИЗМАТЛАРИ

For citation: Kanimkulov Olimjon Sheralievich. YAHYA GULOMOV SERVICES IN THE DEVELOPMENT OF HISTORY AND ARCHEOLOGY IN UZBEKISTAN. Look to the past. 2020, vol. SI, pp.278-285

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-34>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада атоқли ўзбек олими Яхё Фуломовнинг илмий фаолияти, тарих ва археология фанлари ривождаги ўрни, археологик тадқиқотлари, моддий - маданий ёдгорликларни ўрганишдаги фаолияти билан бирга, фан йўлидаги фидойилиги, ватанпарварлиги ва келажак авлодга қолдирган бой илмий-тарихий мероси ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Ўрта Осиё, Узкомстарис, суғорилиш тарихи, ирригация техникаси, Хоразм экспедицияси, Замонбобо маданияти, археологик тадқиқотлар, Зарафшон археологик экспедицияси, "Катта Фарғона канали" медали.

Канимкулов Олимжон Шералиевич,
Преподаватель кафедры "История"

Гулистанского государственного университета.

ЗАСЛУГИ ЯХЬИ ГУЛОМОВА В РАЗВИТИИ ИСТОРИИ И АРХЕОЛОГИИ УЗБЕКИСТАНА

АННОТАЦИЯ

В данной статье наряду с научной деятельностью выдающегося узбекского ученого Яхьи Гуломова отмечаются его роль в развитии историко-археологических наук, его археологические изыскания, его деятельность по изучению материальных

и культурных памятников, его преданность науке, патриотизм и богатое научно-историческое наследие, оставленное будущему поколению.

Ключевые слова: Центральная Азия, Узкомстарис, история орошения, ирригационная техника, Хорезмская экспедиция, культура Заманбаба, археологические исследования, Зарафшанская археологическая экспедиция, медаль "Великий Ферганский канал".

Kanimkulov Olimjon Sheralievich,
Teacher of "History" department of Gulistan State University

YAHYA GULOMOV SERVICES IN THE DEVELOPMENT OF HISTORY AND ARCHEOLOGY IN UZBEKISTAN

ABSTRACT

This article, along with the scientific work of the outstanding Uzbek scientist Yahya Gulomov, notes his role in the development of historical and archaeological Sciences, his archaeological research, his work on the study of material and cultural monuments, his dedication to science, patriotism, and the rich scientific and historical heritage left to the future generation.

Index Terms: Central Asia, Uzkomstaris, history of irrigation, irrigation technology, Khorezm expedition, Zamanbaba culture, archaeological research, Zarafshan archaeological expedition, "Great Fergana canal" medal.

Долзарблиги. Ўзбекистон, умуман, Ўрта Осиёнинг олис ўтмишини ўрганиш ҳақида гап кетганда, кўҳна тарихимизнинг етук билимдони, тарихчи-археолог, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги, тарих фанлари доктори, профессор Яҳё Фуломович Фуломов ҳақида гапирмай бўлмайди.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик тизимлилик холислик тамойиллари шунингдек, муаммога цивилизацион ёндашув ҳамда қиёсий таҳлил усуллари асосида ёритилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Яҳё Фуломов 1908-йил 1-май куни Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур даҳасида мадраса ўқитувчиси оиласида туғилди. Яҳё Фуломов аъло баҳоларга ўқиб, мактабни битиргандан сўнг, 1927-1930-йилларда Ўзбек Давлат Педагогика академияси ижтимоий ва иқтисодий бўлимида ўқийди. 1930- йилда Ўзбек Давлат Педагогика академиясини тамомлагандан кейин, шу академиянинг тарих кафедрасига ишга қабул қилинди ва айна вақтнинг ўзида, Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети қошидаги Ўзбек илмий-тадқиқот институти аспиранти ҳам эди [1, Б.60].

Яҳё Фуломов ёзган мақолалар унинг аспирантлик давридаёқ тилга тушди. Ёш тадқиқотчининг эътиборини аввало бир неча юз минг йиллардан буён сақланиб келаётган қадимий ёдгорликлар (қадимги одамлар яшаган жойлар, мақбаралар, қадимий иншоатларнинг харобалари, суғориш тармоқлари ва шу қабила) жалб қилди.

Бу даврга келиб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва илмий ўрганиш Республика қўмитаси "Узкомстарис" ташкил этилиб, унга архитектура ёдгорликларини сақлаш билан бир қаторда республикада археологик тадқиқотлар олиб бориш иши ҳам юклатилган эди [2, Б.18].

1933-йилда Яхё Фуломов шу кўмитага аввал илмий ходим, сўнгра унинг илмий котиби қилиб тайинланди. Яхё Фуломов Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз ва Тошкентдаги нодир архитектура обидаларини сақлаш ва ўрганиш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб бориш билан бирга археологик экспедицияларда ҳам қатнашди [3,Б.18].

Яхё Фуломовнинг илмий фаолияти кўп қиррали бўлиб, у Ўзбекистон тарихи ва маданиятининг ҳали фанга номаълум бўлган саҳифаларини ёритиш йўлида тинимсиз тадқиқотлар олиб борди. Бир қатор тарихчи олимлар Яхё Фуломовнинг тарих фани соҳасида олиб борган тадқиқот ишларини уч йўналишдаги муаммоларга бўлиб ўрганганини, яъни "Ўзбекистоннинг қадимги даврлардан ҳозиргача бўлган суғорилиш тарихи, Ўзбекистоннинг қадимги моддий маданият тарихи ва Ўзбекистон ҳамда Ўрта Осиёнинг 1917- йилгача бўлган умумий тарихи" деб таъкидлашади[4,Б.38].

Ҳақиқатдан ҳам Ватанимизнинг қадимги даврлардан ҳозиргача бўлган суғорилиш тарихи Яхё Фуломов илмий фаолиятининг асосий йўналишларидан бири эди. Зеро, Яхё Фуломовнинг шох асари "Хоразмнинг суғорилиш тарихи" ҳам айнан суғорма деҳқончилик тарихига бағишланган. Асар 1957-1959-йилларда рус ва ўзбек тилларида нашр этилди. Асарда Хоразмнинг 3,5 минг йилдан ошиқроқ даврини ўз ичига олган суғорилиш тарихи даврма-давр талқин этилган. Хоразмнинг қадимги суғорилган ерларида топиб текширилган улкан қалъалар ҳамда йирик суғориш тармоқлари милоддан аввалги I-минг йилликнинг ўрталарида Хоразмда содир бўлган ижтимоий ва иқтисодий муносабатларнинг тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган. "Хоразмнинг суғорилиш тарихи" китобида воҳанинг ирригация техникаси ва сув хўжалиги масалаларига ҳам катта ўрин берилган. Унда антик даврнинг ниҳоятда кенг ва саёз тошқин каналларидан то ўрта асрларнинг кўп тармоқли ирригация системаларигача, тўғонлардан то чиғирларгача Хоразм ирригация техникасининг тарихий тараққиёти батафсил тасвирланган [3,Б.28; 5,6].

Яхё Фуломовнинг "Хоразмнинг суғорилиш тарихи" асарини илмий жамоатчилик юқори баҳолади. Давлат Эрмитажининг директори, академик Б.Б. Пиотровский "Яхё Фуломовнинг Ўрта Осиё хўжалик ҳаётининг асоси ҳисобланган суғориш соҳасидаги тадқиқотлари ҳақиқатдан ҳам ниҳоятда буюқдир", - деб ёзган эди [3,Б.29].

Хоразмнинг қадимги давр ижтимоий-иқтисодий тараққиётини тўлиқ акс эттирган ушбу асар олимнинг 1950-йили ёқлаган докторлик диссертациясининг асосини ташкил этди. Яхё Фуломовнинг бу илмий ишида Хоразм археологик-этнографик экспедицияси тадқиқотларнинг натижалари муҳим ўрин эгаллайди. Чунки, бу экспедиция ҳақида олимнинг ўзи "Мен кўрган экспедициялар ичида Хоразм экспедициясидек интизомли, серғайрат ва ҳаракатчан экспедиция бўлмаган. У гўё илмий тадқиқот институтига ўхшар эди" деб бежизга айтмаган [7, Б.4].

Суғорилиш тарихи бўйича қилинган ишлар фақат Хоразм воҳаси эмас, балки, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида олиб борилган археологик тадқиқотларда ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Жумладан, "Из истории ирригации Каракалпакии"[8, № 9-10;] мақоласида олим нафақат ўлканинг суғорилиш тарихи, балки, этнографик, топонимик тарихи билан ҳам қизиқди.

Яхё Фуломов раҳбарлик қилган Моҳандарё экспедицияси томонидан Зарафшоннинг қадимги қуруқ ўзанлари Моҳандарё, Гужайли, Гурдуш ҳамда Замонбобо, Катта ва Кичик Тузкон соҳиллари бўйлаб ўтказилган тадқиқотлар

натижасида тадқиқ этилган неолит, энеолит (мил.авв. V-III минг йиллик) ва бронза (мил.авв. II-минг йиллик) даврларига мансуб ёдгорликлар ҳалқимизнинг ибтидоий давр тарихи ҳақида муҳим маълумотлар беради [9, С.65; 10, С.72]. Неолит ва бронза даври одамларининг турмуш тарзи, касб-кори, деҳқончилик ва чорвачилик маданияти "Замонбобо маданияти" номи билан тарихга кирди. Воҳанинг қадимги аجدодларимиз томонидан қачон ўзлаштирилганлиги, этномаданий қиёфаси, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даврлари аниқланди.

Яҳё Фуломов фаолиятининг яна бир қирраси, Ўзбекистоннинг қадимги моддий маданият тарихи бўйича олиб борган тадқиқотларидир. Домланинг бу йўналишда олиб борган изланишлари марказида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида топилган қадимги шаҳар, қалъа ва аҳоли турар жойларининг ўрганилиши туради.

Ўрта Осиёнинг энг қадимги шаҳарларидан бири бўлган Самарқанд шаҳрининг қадимги тарихини археологик жиҳатдан ўрганишда Яҳё Фуломовнинг ўрни беқиёсдир. Самарқанд шаҳридаги археологик тадқиқотлар натижасида шаҳарнинг вужудга келиши, унинг жойлашган ўрни ва мудофаа деворлари, археологик ва меъморий обидалари, санъат асарлари ва меҳнат қуролилари ўрганилиб, шаҳарнинг ёши 1969-йили Ленинградда бўлиб ўтган археолог ва этнографлар конференциясидаёқ 2500 йилдан кам эмаслигини таъкидлайди" [11].

1933-йилдан бошлаб Яҳё Фуломов қадимий ёдгорликларни сақлаш бўйича республика кўмитасининг илмий ходими бўлиб ишлаб юрган вақтларидаёқ Бухородаги тарихий обидаларни ўрганиш билан бевосита шуғулланиб келди. 1934-йилда Зарафшон археологик экспедициясида ҳам фаол иштирок этиб, Бухоро воҳасини ўраб турган улкан мудофаа девори - Кампирдевор қолдиқларини текширди [12, № 2].

Академик Яҳё Фуломовнинг Бухоро олдидаги яна бир буюк хизмати, олимнинг Бухоро шаҳри ёшини аниқлашдаги қатъиятлилигидир. 1969-йилда Яҳё Фуломов бир гуруҳ шогирдлари билан Арк, Тоқи Заргарон, Зиндон ёнидаги археологик қидирув ишлари натижасида милодимизнинг дастлабки асрларига оид сопол буюм парчаларини топди. 1974-йилда олим шаҳарнинг энг қадимги қисми бўлмиш Шахристонда археологик қидирув ишларини олиб борди. Айниқса, Абдулазизхон мадрасаси ёнидаги катта маданий қатлам остида қайд этилган нодир археологик топилмалар Бухоро шаҳрининг бундан 25-26 аср муқаддам пайдо бўлганлигидан далолат беради [13, № 11].

Шундай қилиб, Яҳё Фуломов ва унинг сафдошлари олиб борган тинимсиз меҳнатлари туфайли кўҳна Бухоронинг ёши 2500 йил экани тўғрисидаги илмий хулоса шакллантирилди [14, Б.3; 15, Б.25-30].

Археологик тадқиқот ишлари Бухоро ва Самарқанддан ташқари мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам давом эттирилди. Қадимий Фарғонани археологик жиҳатдан ўрганиш тарихида катта Фарғона каналини қозиш вақтидаги ўтказилган археологик тадқиқотлар муҳим давр ҳисобланади. Бу археологик изланишларга ҳам Яҳё Фуломов ўз ҳиссасини қўшган ва ҳатто "Катта Фарғона канали" медали билан тақдирланган [16, №28].

Шунингдек, Яҳё Фуломов ўзининг ўринли таклифлари билан тадқиқот ишларини осонлаштириб юборарди. Масалан, қадимги Фарғонанинг йирик шаҳри Ахсикатни ўрганиш пайтида олим археологларга шаҳар қалъасини биринчи бўлиб ўрганиш лозимлигини уқтиради. Чунки, шаҳар Сирдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган бўлиб, сув қалъанинг кўп жойини ювиб кетган эди [17].

Ахсикатда олиб борилган археологик қидирув ишларида асосий эътибор шаҳар ҳудудидаги археологик материалларни тўплашга қаратилди. Топилмаларнинг аксарияти сопол идиш парчалари, шиша буюм синиқлари, чақа-тангалардан иборат эди. Ахсикатдаги изланишлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, шаҳар Ўрта Осиёдаги шишасозлик марказларидан бири эканлиги аниқланди [18, Б.17-19].

1965-йилнинг октябр ойида Фарғона вилоятининг Қува ҳудудида олиб борилган археологик тадқиқотларга ҳам Яҳё Фуломов раҳбарлик қилди. Бу гуруҳ Қува ҳудудидаги Чилламосор деган қадимги тепани ўрганиш вақтида

2 минг йил олдин харобага айланган қалъа вайронасини топади. Эътиборли жиҳати, у ерда ўша даврга оид сопол идишларнинг синиқлари, тош ва қўл тегирмонлари орасидан бир тутам пахта чигити чиқади [19, Б.25]. Бу билан қадимги даврлардан ватанимиз ҳудудида пахта экилганлиги исботланди.

Яҳё Фуломов Хоразм археологик-этнографик экспедициясида ишлаган вақтларида Хива шаҳрига алоҳида эътибор қаратди. Изланишлар натижасида 1941-йилда Яҳё Фуломовнинг "Хива ва унинг ёдгорликлари" номли илмий асари кенг жамоатчиликка тақдим этилди. Бу асар Хива шаҳрининг тарихий обидаларига бағишланган бўлиб, унда шаҳардаги меъморилик санъати намуналарининг тадқиқ этилиши, қадимий обидаларнинг тавсифлари келтирилади. Асар сўнггида муаллиф Хивадаги 64 та мадрасанинг рўйхатини келтиради. Бу рўйхат жадвал шаклида тузилган бўлиб, Хивадаги мадрасаларнинг номлари ва қурилган йилларидан тортиб, уларнинг ҳар биридаги хужралар сони, ажратилган вақф ерининг миқдоригача кўрсатилади [20].

Яҳё Фуломов ушбу асар асосида 1943-йили "Хива ва унинг ёдгорликлари" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Яҳё Фуломовнинг Тошкент тарихи ва унинг ёдгорликларини ўрганишдаги ўрни ҳам каттадир. Зеро, Тошкент канали бўйлаб, Тўйтепада махсус археологик тадқиқотлар ўтказганлиги ва 1966-йилдаги Тошкент зилзиласи оқибатларини тугатиш бўйича шаҳарда бошланган улкан қурилишлар муносабати билан Тошкентнинг археологик обидаларини қайд этиш ва ўрганиш мақсадида тузилган махсус Тошкент археология экспедициясининг фаолиятида ҳам Яҳё Фуломовнинг ҳиссаси катта [21, Б.5].

Яҳё Фуломовнинг мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги маданият ўчоқларини тадқиқ этишдаги ўрни беқиёсдир. Қадимги Термиз, Пойканд [22, №11], Ерқўрғон, Нукус [23, №4], Жиззах [24, С.4], Шаҳрисабз [25, №5] ва бошқа қадимги шаҳар ва жой номларини ўрганишда ҳам Яҳё Фуломов катта ишларни амалга оширди.

Яҳё Фуломовнинг Ўзбекистоннинг умумий тарихи бўйича олиб борган тадқиқотларига тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистоннинг бой маданий меросини ўрганиш билан бир қаторда танқидий мавзуларда ижод қилганлигига ҳам гувоҳ бўламиз. Зеро, Яҳё Фуломовнинг Ўзбекистон тарихининг турли даврларини ўрганишда фақат илмий асосда ёндошиб, тадқиқот олиб бориши, у ёки бу тарихий воқеаларни сохталаштирмасликни қатъий талаб қилиши баъзан жасоратни талаб қиларди [26, Б.27].

Масалан, Яҳё Фуломов Ўрта Осиё Россияга ихтиёрий қўшилган деган сохта, ноилмий ва тарихий воқеаларни бузиб кўрсатувчи фикрларга қарши эди. Бу ҳақда унинг тарихий манбаларга асосланган "Рус чоризми томонидан Туркистоннинг босиб олинишига оид янги манба" мақоласи 1941-йилда босилиб чиқади. Унда Яҳё Фуломов тарихчи олим Муҳаммад Солиҳнинг "Тарихи жадидаи Тошканд"

асари асосида фикр билдириб, асарда келтирилган тарихий маълумотлар асосида чор Россиясининг Туркистонни босиб олганлигини исботлайди [27, №4].

Шунингдек, домла ватанимиз тарихи ҳақида билдирилган ҳар қандай янглиш ва хато фикрларга қарши турди. Буни биз Яҳё Фуломов бошчилигидаги бир гуруҳ тарихчиларимизнинг Ю.Н.Алексеровнинг "Самарқанд" китоби ҳақида билдириб ўтган фикрларида кўрамиз [28, Б.3].

Унда Яҳё Фуломов, китобнинг ўрта асрларга бағишланган ҳамма бобларида Самарқанд шаҳри тарихини муфассал ёритиш ўрнига, автор тарихий маълумотларни бузиб, Ўзбекистон тарихининг қисқача мазмунини ҳикоя қилиб бериш билан чегараланганлигини, шунингдек китобдаги терминлар, шахс ва тарихий ҳамда адабиёт асарларининг номлари ҳам бузиб кўрсатилганлигини айтади [28, Б.4].

Яна шунингдек, Абу Райҳон Берунийнинг янги асари "Геодезия" нашр этилиши муносабати билан Яҳё Фуломовнинг "Устоз изидан" деб номланган мақоласига ҳам тўхталиб ўтмоқчимиз. Олим ушбу асар хусусида тўхталар экан, Берунийнинг тарих ва география соҳасида қилган ишлари ҳақида фикр билдиради. Яҳё Фуломов "Геодезия" асарини ер ўлчаш, геологик ҳодисалар, физика, география ва картография масалаларини қамраб олган жуда кўп мураккаб маълумотлар хазинасидир деб айтади [29, Б.12-13].

Эътиборли томони, муаллиф ушбу мақолада Беруний номининг қўлланилиши юзасидан қатъий бир фикрда тўхталишни айтади. Яна Беруний қабрининг қаердалиги, унинг ташқи кўриниши масалаларига ҳам эътибор қаратади. Шунингдек Берунийнинг вафот этган йили нотўғри эканлиги (Беруний 973-1048), унинг охирги китоби "Сайдана" 1050-1051-йилларда ёзилганлигига асосланиб, Беруний вафотини 1051-йил деб ҳисоблашни таклиф этади [29, 12-13-бб]. Лекин бу сана ҳали фанга киритилганича йўқ.

4. Хулосалар:

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, ўз илмий фаолияти мобайнида Яҳё Фуломов республика бўйлаб кўплаб экспедицияларни ташкил этди, уларда фаол қатнашди ва аксариятига раҳбарлик қилди. Ўзбекистонда малакали археолог кадрлар етиштириш, шунингдек илмий билимларни омма орасида кенг тарғиб этишда Яҳё Фуломовнинг хизмати беқиёсдир.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Луниин Б.В. Выдающийся ученный-археолог Узбекистана Яхья Гулямович Гулямов. // Ўзбекистон тарихи. 2002 №3. (Lunin B.V. Outstanding scientist-archaeologist of Uzbekistan Yahya Gulyamovich Gulyamov. // History of Uzbekistan. 2002, No. 3.)
2. Гулямов Я.Г. На путях к охране и изучению памятников материальной культуры в Узбекистане. -Ташкент, 1934 г. (Gulyamov Ya. G. On the paths to the protection and study of monuments of material culture in Uzbekistan. - Tashkent, 1934); Муҳаммаджонов А.Р. "Яҳё Фуломовни хотирлаб". -Т.: 2008. (Muhammadjonov A.R. "In memory of Yahyo Gulyamov". -T. : 2008.)
3. Муҳаммаджонов А.Р. "Яҳё Фуломовни хотирлаб". -Т.: 2008. (Muhammadjonov A.R. "In memory of Yahyo Gulyamov". -T. : 2008.)
4. Ахунова И.А., Аскарлов А.А., Зияев Х.З., Чехович О.Д. К 70-летию академика АН УзССР Я.Г.Гулямова // ОНУ. 1978. №7. (Akhunova I.A., Askarov A.A., Ziyayev H.Z., Chekhovich O.D. To the 70th anniversary of the academician of the Academy of

Sciences of the Uzbek SSR, Ya.G. Gulyamov // ONU. 1978. No. 7.)

5. Гулямов Я.Г. Из истории древнего- орошения и культуры Хорезма по раскопкам 1938 г. // Гулистан 1939. №6 (Gulyamov Ya. G. From the history of the ancient - irrigation and culture of Khorezm excavated in 1938 // Gulistan 1939. No.6)

6. Гулямов Я.Г. Из истории ирригации Южного и Правобережного Хорезма. / Гулистан. 1940. № 6. (Gulyamov Ya. G. From the history of irrigation of South and Right-Bank Khorezm. // Gulistan. 1940. No. 6.)

7. Фуломов Я.Ф. Тарихимиз фидойиси. // Фан ва турмуш (Gulomov Ya.G. The sacrifice of our history. // Science and life)

8. Гулямов Я.Г. "Из истории ирригации Каракалпакии". Бюллетень АН УзССР. 1945 г. № 9-10. (Gulyamov Ya.G. "From the history of irrigation of Karakalpakstan". Bulletin AN UzSSR. 1945 № 9-10.)

9. Гулямов Я.Г. О работе Махандарьинского археологического отряда в 1963 года. // О.Н.У. 1964 г. №1 (Gulyamov Ya.G. About the work of Maxandarinskogo archeological detachment in 1963. // O.N.U. 1964 №1;)

10. Гулямов Я.Г. Из истории ирригационных сооружений в Узбекистане. // Известия АН УзССР. Том IV/ 1951 г. (10. Gulyamov Ya. G. From the history of irrigation facilities in Uzbekistan. // Proceedings of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR. Volume IV / 1951)

11. Гулямов Я.Г. Новый блеск древнего Самарканда. // О.Н.У. 1965 г. №8. стр. 31-35; Гулямов Я.Г. Афрасиаб. // Нива. 1967 г. №3. ; Гулямов Я.Г. История Самарканда. гл. I-II. том-I. Ташкент 1969 г.; Гулямов Я.Г. Об археологических исследованиях на городище Афрасиаб в 1967-1968 гг. В сб. Афрасиаб. Вып. I. 1969; Гулямов Я.Г. Кўҳна тарих излари. "Совет Ўзбекистони" газетаси. 1967 й. 29 октябр; Фуломов Я.Г. Тарих тилга кирганда. "Ўзбекистон маданияти" газетаси. 1967 й. 25 феврал; Фуломов Я.Г. Тарих сўқмоқлари. "Совет Ўзбекистони" газетаси. 1970 йил 18 сентябр; Гулямов Я.Г. Новые данные по истории древнего Самарканда. // ОНУ. 1970 г. №9. стр. 69-78. (Gulyamov Ya. G. From the history of irrigation facilities in Uzbekistan. // Proceedings of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR. Volume IV / 1951, Gulyamov Ya.G. The new shine of ancient Samarkand. // O.N.U. 1965, No. 8. pg. 31-35; Gulyamov Ya.G. Afrasiab. // Niva. 1967, No. 3. ; Gulyamov Ya.G. History of Samarkand. chap. I-II. Volume I. Tashkent 1969; Gulyamov Ya.G. About archaeological research on the ancient settlement Afrasiab in 1967-1968. On Sat Afrasiab. Vol. I. 1969; Gulyamov Ya.G. Traces of ancient history. Soviet Uzbekistan newspaper. 1967 y. October 29; Gulomov Ya.G. When history comes into play. Newspaper "Culture of Uzbekistan". 1967 y. February 25; Gulomov Ya.G. Trails of history. Soviet Uzbekistan newspaper. September 18, 1970; Gulyamov Ya.G. New data on the history of ancient Samarkand. // ONU. 1970, No. 9. pg. 69-78.

12. Қосимов Ф. Академик Яҳё Фуломов ва Бухоро қадимшунослиги. // "Ўзбекистон тарихи". 2005 й. 2 сон (Qosimov F. Academician Yahyo Gulyamov and Bukhara archeology. // "History of Uzbekistan". 2005 y. 2 son)

13. Фуломов Я. Қадимги Пойканд // "Гулистон" 1939 й №11 (Gulomov Ya. Ancient Poykand // "Guliston" 1939 y №11)

14. Фуломов Я. Бухоро ёши Самарқандга тенг. "Совет Ўзбекистони" газетаси. 1974 й. 5 сентябр (Gulomov Ya. Bukhara is the same age as Samarkand. Soviet Uzbekistan newspaper. 1974 y. September 5th).

15. Фуломов Я. Археология тарих фани хизматида. Тошкент. 1976 й. (Gulomov Ya. Archeology at the service of history. Tashkent. 1976 y).

16. Личное дело Я.Г. Гулямова в архиве института истории и археологии АНУз. Архив №28, фонд 54, дело 33, протокол 6. 1950 г. 28 март (The personal file of Ya.G. Gulyamov in the archive of the Institute of History and Archeology of the ANUz. Archive No. 28, fund 54, file 33, minutes 6. 1950, March 28.).
17. Асқаров А. Ўзбек археологиясининг отаси. "Ўзбекистон овози". 1993 й. 1 май (Askarov A. Father of Uzbek archeology. Voice of Uzbekistan. 1993 y. May 1).
18. Фуломов Я.Ф., Аҳроров И. Аҳсикет харобалари изидан. // "Фан ва турмуш". 1964 й. №8. 17-19 б. (Gulomov Ya.G. , Ahrorov I. In the footsteps of the ruins of Akhsiket. // "Science and life". 1964 y. №8. 17-19 b.)
19. Фуломов Я.Ф. Пахтачилик қачон бошланган. // "Фан ва турмуш". 1966 й. №1. 25-б. (Gulomov Ya.G. When did cotton growing begin? // "Science and life". 1966 y. №1. 25-b.)
20. Фуломов Я. "Хива ва унинг ёдгорликлари". -Т., 1941 й. (Ya. Gulyamov "Khiva and its monuments". T. 1941 y.)
21. Фуломов Я. Тошкент неча ёшда. "Тошкент оқшоми" газетаси. 1972 й. 15 ноябр (Gulomov Ya. How old is Tashkent? Tashkent Evening newspaper. 1972 y. November 15).
22. Фуломов Я. Қадимги Пойканд // "Гулистон" 1939 й №11. (Gulomov Ya. Ancient Poikand // "Guliston" 1939 y №11)
23. Фуломов Я. Нукус шаҳари. // "Фан ва турмуш" 1957 й. №4 (Gulomov Ya. Nukus city. // "Science and life" 1957. №4.)
24. Гулямов Я.Г. Древний Джизак. "Социализм йўли" газ. 1948 й. (Gulyamov Ya.G. Ancient Jizzakh. "Socialism yo'li" gas. 1948)
25. Гулямов Я. Каменная гробница тимуридского времени в Шахрисабзе. // Изв. АН УзССР. 1948 г. №5. (Gulyamov Y. Stone tomb of Timurid time in Shakhrisabz. // Izv. Academy of Sciences of the Uzbek SSR. 1948, No. 5.)
26. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т., 1998 й. (Karimov I. There is no future without historical memory. -T., 1998 y.)
27. Гулямов Я.Г. Новый источник по истории завоевания Ташкента русским царизмом. // Изв. АН УзССР. 1941 г. №4. (Gulyamov Ya.G. A new source on the history of the conquest of Tashkent by the Russian tsarism. // Izv. AN UzSSR. 1941 №4.
28. Фуломов Я. ва бошқалар. "Самарқанд" китоби ҳақида. // "Совет Ўзбекистони" газ. 1968 й. 6 феврал. (Gulomov Ya. and others. About the book "Samarkand". // "Soviet Uzbekistan" gas. 1968 y. February 6).
29. Фуломов Я., Хасанов Х. Устоз изидан. // "Фан ва турмуш". 1967 й. №5 (Gulomov Ya., Khasanov X. In the footsteps of the teacher. // "Science and life". 1967 y. №5).

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000